

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 27 сентябрь • № 39 (956)

Меҳнати таҳсинга лойиқ

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Инсон, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Бунда албатта, устоз-мураббийларнинг келажак авлодларимизга бераётган сабоқлари, илму маърифат йўлидаги машаққатли меҳнатлари мужассам. Ана шундай шарафли ва масъулиятли ишларда фаолият юритаётган ҳамда халқимиз саломатлиги йўлида етук кадрларни тайёрлаётган тиббиёт тизимидаги азиз устозлар хизматини ҳам фахр билан тилга олсак арзийди.

Мана ўттиз йилдирки, Тошкент педиатрия тиббиёт институти фармакология ва физиология кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Абдулҳай Абдумажидов талабаларга физиология фанидан сабоқ бериб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: тиббиёт фанлари номзоди Абдулҳай Абдумажидов шогирдлари билан.

Эътироф

WWW.MINZDRAV.UZ САЙТИ НОМИНАЦИЯ ҒОЛИБИ БЎЛДИ

Яқинда “InfoCOM – 2013” ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида UZ миллий домени интернет-фестивали ҳам ўтказилди. Интернет-фестиваль “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “UZINFOCOM” компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси кўмагида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мазкур интернет-фестиваль 2001 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. 2007 йилдан бошлаб интернет тармоғининг Ўзбекистонга тегишли сег-



менти ресурсларини ривожлантириш мақсадида UZ миллий домени интернет-фестивали ўтказилмоқда. Иккинчи даражали UZ миллий домени 1995 йилнинг 29 апрелида ташкил этилган. 2013 йилнинг 12 августи ҳолатига кўра, UZ худудининг ўзидаёқ иккинчи даражали фаол доменлар сони 16733 дан зиёдни ташкил этади. Бундан ташқари, UZ доменига қирувчи бир неча мингта учинчи даражали доменлар

ҳам мавжуд.

Жорий йилнинг 13 августидан 23 сентябргача давом этган фестивалнинг асосий вазифалари аҳоли кенг қатлами орасида интернет тармоғини оммалаштириш, миллий контентни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ўзбек тилининг бутунжаҳон ахборот тармоғида қўлланадиган кўламини кенгайтиришдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИЛИКЛАР

- хабар
- шарҳ
- таҳлил

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Навоий вилояти Карман туманидаги “Жалойир” қишлоқ врачлик пункти ҳудуддаги 5,5 мингдан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

25 тиббий ходим меҳнат қилаётган бирламчи шифо маскани “Саломатлик-2” лойиҳасига мувофиқ замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу беморларга ташхис қўйиш ва даволаш, оналик ва болалик муҳофазаси, тиббий кўрик ишларида яхши самара бермоқда.



ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ЮТУФИ

Наманган Давлат университети қошидаги 3-Чортоқ академик лицейида табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология йўналишларида 688 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Таълим масканида ўқитиш жараёни самарали усулларда олиб борилаётганлиги Алишер Абдуллаев, Намуна Баҳодирова, Нурмуҳаммад Раҳимов, Раҳматилла Одилов каби кўплаб лицей ўқувчиларининг фан олимпиадалари ва нуфузли танловларда қўлга киритаётган ютуқларида намоён бўлмоқда. Фахр билан айтиш жоизки, Юртбошимиз томонидан ёшлар учун яратилган бундай шароит ва имкониятлар уларни илм-фан тараққиёти йўлида тинмай изланишларида, ўз устиларида ишлаб, устозлари ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилишга унда-



моқда. Албатта, Президентимиз Ватанимиз равнақи учун мунотаъбири билан айтганда, мазкур лицейдаги изланувчан ёшлар миз эгаларидир.

Ахборот агентликлари ва ўз мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Меҳнати таҳсинга лойиқ

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Мазкур илм даргоҳига кириб борар эканмиз, аввало, у ердаги табиат манзаралари, тозалик ва озодлик диққатимизни ўзига тортди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу маскан болажонларимиз саломатлигини муҳофаза қилишда қанчадан-қанча педиатр-врачларни етиштириб чиқарди. Ичкаридаги соғлом муҳит, жамоа ходимларининг самимий ва камтарлиги, шунингдек, ўз касбларига садоқат билан ёндошаётганликларини кўриб ҳавасимиз келди. Институтнинг маънавият ва маърифат бўйича проректори Муборак Аҳмедова қабулида бўлганимизда илм даргоҳининг ўз нуфузига эга эканлиги ва етишиб чиқаётган кадрларнинг салоҳиятини оширишда ўзининг муносиби ҳиссасини кўшаётган устозлар қаторида фармакология ва физиология кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Абдулхай Абдумажидовнинг меҳнатларини эътироф этиб ўтди. Кафедрада талабаларга сабоқ бераётган Абдулхай Абдумажидовнинг дарс жараёнларини зимдан кузатар эканмиз, устоздаги билим, касбий маҳорат, айтиқса, хушмуомалалиги эътиборимизни ўзига тортди.

Ўттиз йилдан буён талабаларга нормал физиология фанидан дарс бериб келаётган устознинг ҳаёт ва фаолият йўлига назар ташлар эканмиз, ажойиб инсоннинг фахр тўла фикрлари қалбимизга янада эзгулик уруғини сочди.

– Оиламиз шифокорлар сулоласи десам янглишмайман. Раҳматли отам Абдулхай Абдумажидов фармацевт бўлганлар. Айни кунда оиламизга файз киритиб, саксон ёшни қарши олаётган ва қўлларини дуога очиб турган онажоним қанчадан-қанча беморлар ҳаётини сақлаб, хирургия йўналишида астойдил меҳнат қилди.

Аввало, отам ва онам касбларини давом эттираётганлигиндан фахрланаман. Турмуш ўртоғим Феруза Абдумажидова айни кунда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли шаҳар болалар маслаҳат-ташхис марказида врач-педиатр вазифасида

(Давоми. Боши 1-бетда).

фаолият юритиб келмоқда. Фарзандларимиз Алишер 1-шаҳар клиник шифохонасида уролог, Музаффар ва Иродахонлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти магистратурасида, Жаҳонгир эса П. Ф. Боровский номли тиббиёт коллежининг ҳамширалик бўлимида таҳсил олмоқда. 3 нафар набирам эса оиламизнинг қувончи ва бахти. Бугунги кунда мени устозлик даражасига етказган, билим ва тажрибасини аямаган марҳум устозим Умид Қодировнинг номларини ҳурмат билан тилга олишни жоиз деб биламан. У кишидан инсонийлик фазилатларини чуқур ўргандим. Бунинг баробарида олиб борган изланишларимни рўёбга чиқаришимда ўз меҳнатларини аямаган устозимнинг ёрдамлари катта бўлди. Улар билан биргаликда “Болалар физиологияси” номли китобни ёзиб, нашрдан чиқардик. Эътироф билан айтмоқчиманки, истиқлолимиз шарофати билан мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар бўлди. Юртбошимиз томонидан ҳар бир соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, устоз ва мураббийларнинг меҳнати кадр топди. Баркамол ва ёш авлодга ҳар томонлама таълим ва тарбия бериб келаётган соҳа мутахассисларининг меҳнатлари рағбатлантирилиб, Президентимиз томонидан 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни, деб эълон қилинганлигининг ўзи ҳар биримиз учун фахр ва ифтихорга айланди. Бунинг баробарида илм даргоҳларидаги мавжуд шароитлар талабалар таҳсил олишида асосий ўринга эга бўлаётганлиги ҳам улар касб сирларини мукамал эгаллашларида асосий ўрин тутмоқда. Албатта, бундай ижобий ўзгаришлар тўғрисида қанчалар гапирсамда, озлик қилади. Чунки, фарзандларимиз камоли учун давлатимиз томонидан муҳим пойдевор яратилгани келажагимиз порлоқ эканидан далолат бериб турибди, – дейди суҳбат чоғида Абдулхай Абдумажидов.

Ўз касбининг моҳир устаси, талабаларнинг сеvimли устози Абдулхай Абдумажидов кафедрадаги фаолияти билан бирга, Жанубий Кореядан келиб, таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув жараёнини мувофиқлаштирувчи ишларда масъул ҳамда 1-педиатрия факультетининг 2-3-курс-

лари бўйича декан муовини вазибаларини ҳам сидқидилдан бажариб келмоқда. Ўқитувчи ва талабалар даврасида бўлганимизда, улар Абдулхай Абдумажидов ўзининг ҳаллолиги, касбига садоқати ҳамда самимийлиги билан жамоа орасида ҳурматга сазовор эканлигини эътироф этишди.

– Ҳа, илм чегараси сарҳадсиз, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан ҳам илм шундай қудратга эга. Бу қудратни эса бизга илмлар султони бўлган устозларимиз беришади. Ўзининг ҳалол меҳнатига, болажон табиати билан ёшларга маърифат нурларини сочиб келаётган азиз устозим Абдулхай Абдумажидов ҳақида қанчалик гапирсам ҳам озлик қилади. Умрининг асосий қисмини сеvimли касбига бахшида этган ана шундай жонкуяр, меҳрибон устозларимиз бор экан, келажагимиз, юртимиз равнақи янада юксалаверади, – дейди 1-педиатрия факультети 3-курс, 310-гурӯх талабаси Феруза Хўжаева.

– Устозим Абдулхай Абдумажидовнинг самимийлиги ва камтарлиги, дарсларни маромига етказиб тушунтиришлари менга жуда ёқади. Айниқса, нормал физиологияда одам аъзоларини ўрганиш тафсилотлари чуқур олиб борилади. Ана шу жараёнларни устозимиз жаҳон стандартларига мос равишда ўргатадилар. Уларнинг бу борадаги билим ва илмий салоҳиятлари таҳсил олаётган ҳар бир талаба учун катта мактаб вазифасини ўтаётган десам, хато бўлмайди. Албатта, биз ана шундай олижаноб, қалби меҳрга тўла устозларимиз ишончини оқлаш учун тиббий билимларимизни мукамал эгаллаб, давлатимиз томонидан яратилаётган барча имкониятлардан унумли фойдаланишимиз керак. Шу ўринда барча устозларимизни касб байрамлари билан қутлаб қоламан ва уларнинг масъулияти ҳамда шарафли ишларига ютуқлар тилайман, – дейди 1-педиатрия факультети 3-курс талабаси Комилжон Худойбердиев.

Абдулхай Абдумажидов билан институт ҳовлисидан ёнма-ён суҳбатлашиб борар эканмиз, қалби эзгуликка йўғрилган камтарин инсон давлатимиз раҳбари ҳамда фаолият юритиб келаёт-



ган илм маскани раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдириб:

– Давлатимиз томонидан таълим сифати ва самарадорлигини янада яхшилашда педагог-ходимлар малакасини ошириш, улар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилаётган эътибор муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай эзгу ишлар соҳа хо-

димларини ташаббускорликка, ўқув тизими сифатини янада оширишга, яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишга ундайди. Кўз нури ва қалб қўрини устоздек машаққатли ва фидоқорона касбга бағишлаган азиз устозларимизни касб байрами билан табриклаб қоламан, – деди.

Мазкур даргоҳдан чиқар эканмиз, шоир Мирза Қайнаровнинг қуйидаги шеърий мисралари ёдимизга келди:

**Устоз – отангдай улуг, устоз қадами қутлуғ,
Устознинг ҳар каломи илму ҳикматга тўлуғ,
Устознинг дили равшан, устоз макони ёруғ,
Униб чиқар, албатта, устоз ташлаган уруғ,
Устоз қадами қутлуғ, устоз – отангдай улуг.**

**Темур бош қўйди мангу устозининг пойига,
Устоз ўхшар оламнинг Қуёшига, Ойига,
Билим нури ёғилар қадам қўйган жойига,
Йўллар адолат, вафо, муҳаббат саройига,
Устоз қадами қутлуғ, устоз – отангдай улуг.**

**Ота-она фарзандни келтиради дунёга,
Устоз эса чўмдирар илму ҳикмат, зиёга,
Ердаги болаларни кўтаради самога,
Ота-она фаносин айлантлар бақога,
Устоз қадами қутлуғ, устоз – отангдай улуг.**

**Устоз кўрмаганларнинг йўғралашдир одати,
Эзгу бўлсин ҳар кимнинг сўзи, саъйи, нияти,
Кам е, кам де, кам ухла – устозлар насиҳати,
Нечоғ буюқдур устоз каломининг қудрати,
Устоз қадами қутлуғ, устоз – отангдай улуг.**

**Нажот гулин ўстирар Авлоний гулбоғида,
Ҳақ олинур, берилмас – Беҳбудий сабоғида,
Оқилхоннинг сиймоси “Алифбо” вароғида,
Устозлар ийдин ёзай қасидам адоғида,
Устоз қадами қутлуғ, устоз – отангдай улуг.**

Ибодат СОАТОВА.

Эътироф

WWW.MINZDRAV.UZ САЙТИ НОМИНАЦИЯ ГОЛИБИ БЎЛДИ



Сайтлар интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг нуфузли мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фестиваль танлов дастури ўн мавзу ва иккита махсус номинацияни ўз ичига олди. Танлов дастурига ҳар ўн мавзу бўйича иштирокчилар учун WWW.UZ миллий излаш тизимининг махсус мукофоти киритилган. Маълум вақт ичида ўз номинациясида энг кўп балл тўплаган ўнта сайт голиб деб топилди. 2013 йилги фестиваль танлов дастурининг аввалгисидан фарқи шундаки, бу сафар “Тармоқ сервислари соҳасидаги энг яхши сайт” тоифасига “Электрон тижорат” махсус номинацияси киритилди.

Жорий йилда танловга 900 дан ортиқ ариза келиб тушди, танлов дастурида 452 сайт иштирок этди. “Фестиваль кашфиёти” махсус номинациясида 150 дан ортиқ сайт қатнашди. Овоз беришнинг биринчи тури якунларига кўра, ҳайъат томонидан финалда иштирок этадиган 92 сайт танлаб олинди ҳамда уларга “Фестиваль совриндори” дипломи топширилди. Фестивалнинг мавзули ва махсус номина-

цияларида голиб бўлган сайтларнинг 65 фоизга яқини ўзбек тилидаги шаклига эга.

Шунингдек, “Фан ва таълим соҳасидаги энг яхши сайт”, “Мавзуга оид энг яхши сайт”, “Давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органининг энг яхши сайти”, “Маданият соҳасидаги энг яхши сайт”, “Тармоқ сервислари соҳасидаги энг яхши сайт”, “Электрон тижорат”, “Энг яхши корпоратив сайт”, “Спорт соҳасидаги энг яхши сайт” номинациялари голиблари аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайти (www.minzdrav.uz) “Давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органининг энг яхши сайти” номинациясида биринчи ўринни эгаллади. Албатта, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти чуқур ёритилгани, фуқароларнинг муносабатларини қабул қилиш бўйича интерактив усуллар кенг жорий этилгани,

соҳага оид қонунчилик базаси шаклланиши танлов ҳайъати аъзолари томонидан инобатга олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари деярли барча соҳаларга, хусусан, тиббиётга ҳам жорий этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, интернетда янгидан-янги лойиҳалар ташкил этилиб, рақобат қучаймоқда. Шу сабабли, сайтимизнинг ушбу номинациясида голиб чиққани бизга катта ғурур бағишлайди. Бу сайтни очишдан аввал биз фойдаланувчилар эҳтиёжини пухта ўргандик ҳамда тиббиёт тизимидаги янгиликлар орқали Ўзбекистоннинг тиббий-ижтимоий ҳаётини ёритиш, фуқароларнинг ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини оширишга асосий эътибор қаратдик.

Интернет-фестивали сўнггида голибларга мукофот ва дипломлар топширилди.

Тахририят.

Қонун кучга кирди

ОИТСга ҚАРШИ КУРАШ ТАЛАБЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Сўнгги йилларда халқаро миқёсда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш масаласига ёндашув кескин ўзгараётгани сабабли, республикада бу касалликнинг олдини олиш борасида мунтазам равишда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу эса соҳага оид барча муносабатларни замон талаблари асосида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалаларини такомиллаштиришни талаб этади.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг 23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди.

5 боб ва 28 моддадан иборат Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Янги Қонун билан ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг қуйдаги асосий йўналишлари белгилаб олинди:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ягона тизимнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

ОИВ инфекцияси профилактикаси, ташҳис қўйиш, ОИВни юктириб олганларни бепул даволаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш;

ОИВ инфекциясига ташҳис қўйиш ва уни даволаш воситалари билан таъминлаш, шунингдек ташҳис қўйиш, даволаш ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган тиббий препаратлар, биологик суюқ-

ликларнинг хавфсиз бўлиши устидан назоратни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш;

ОИВ мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида аҳолини бепул, хавфсиз ва махфийлик асосида тиббий текширувдан ўтказиш учун шароитлар яратиш;

ОИВни юктириб олганларнинг умрини узайтириш ва турмушини яхшилашга доир тадбирларни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича фаолият олиб борувчи давлат органлари, уларнинг ваколат ва мажбуриятлари, маҳаллий давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки алоҳида моддалар билан белгилаб қўйилган.

Жумладан, Қонуннинг 7-моддаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кура-

шиш соҳасидаги ваколатларига бағишланган бўлиб, унга кўра Соғлиқни сақлаш вазирлиги қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ўзаро алоқаларини таъминлаш;

ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш;

ОИВни юктириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилаш;

даволаш-профилактика муассасалари фаолиятига ОИВ инфекцияси профилактикасига доир замонавий чора-тадбирлар, ОИВни юктириб олганларга ташҳис қўйиш, уларни даволаш ҳамда парваришlash усуллари жорий этилишини таъминлаш;

ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазиятни ҳамда ОИВ инфекциясига ташҳис қўйиш ва уни даволаш борасида қўллангиларни усуллар самарадорлигини баҳолашга доир тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказиш;

ОИТСга қарши курашиш марказлари, шунингдек ОИВ инфекциясига ташҳис қўйиш бўйича туманлараро лабораториялар замонавий даволаш-ташҳис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланишини таъминлаш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи тиббий ва бошқа ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакаси оширилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун

ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги ҳам қонунийлаштирилди.

Қонуннинг алоҳида моддалари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ОИВ инфекцияси юққан-юкмаганлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширув турлари – ихтиёрий, мажбурий ва ғайриихтиёрий тарзда ўтказилади. ОИВ юктириб олган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиблари, ОИВ юктириб олганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа шахсларга юктирмасликка бўйича жавобгарликлари қонунийлаштириб қўйилди.

Қонуннинг тегишли моддалари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари, яъни касаллик тарқалишининг олдини олиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказлари ва туманлараро ОИВ инфекциясига ташҳис қўйиш лабораторияларини замонавий даволаш-ташҳис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда уларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, аҳоли ўртасида касалликнинг профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тўшунтириш ишларини ташкил этиш

Қабул қилинган “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасида оид муносабатларни тартибга солиш билан бирга Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва мамлакатда ушбу касаллик бўйича эпидемик вазият барқарорлашувини таъминлашда хизмат қилади.

Нурмат АТАБЕКОВ,
Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори.

Нишондоримиз

ЭЛИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛГАН КАМ БЎЛМАС



– Унвон муборак бўлсин, Исмоилжон!

– Кўп йиллик хизматларингизни муносиб баҳолашибди, устоз!

– Ҳалол хизмат – обрў-хурмат деганлари шу-да, сизни давлат мукофоти билан тақдирлашгандан бошимиз осмонга етди!

Шу каби қутловларни эшитган шифокор Исмоилжон Ҳакимов раҳбару шогирдларига, ҳамкасбларига табрик учун миннатдорлик билдириб экан, тиббиёт соҳасини танлаб адашганини кўнглидан ўт-

казди. Кўпдан-кўп унутилмас воқеалар кўз ўнгидан бирма-бир ўта бошлади.

Исмоилжонда шифокорликка ҳавас она қишлоғи – Ободондаги 22-мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ уйғонганди. Ўқитувчилари ҳар қандай касбни эгаллаш учун фақат яхши ва аъло баҳоларга ўқиш лозимлигини уқтиришаркан, у айниқса, она тили ва адабиёт, кимё фанини пухта ўзлаштиришга, фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашга ҳаракат қиларди. Чунки мақсади шифокор бўлиш эди-да.

Мактабни битиргач, Андижон Давлат тиббиёт институтига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширгач, педиатрия факультетига ўқишга қабул қилинди. Институтдаги устозлар сабогини, назарий билимларини ҳаётда қўллаб, эл соғлигини сақлашдаги фаол хизмати билан кўпчилик олқишига сазовор бўлди.

Абдуллажон Убайдуллаев, Тожибой Жўраев, Маърифат Бобохонова, Эркиной Абдуллаева, Раҳимжон Абдуллаев сингари устозлардан эзгу фазилатларни ўрганди, халқ назарига тушди.

– Мукофотланганлар рўйхатида исм-шарифимни кўриб кўз-

ларимда ёш қалқди, – дейди “Ободон” ҚВП мудир Исмоил Ҳакимов. – Мен қандай ютуқларга эришган бўлсам, оилам ва бир-биридан ишчан жамоамиз аъзолари қўллаб-қувватлашдан деб биламан. Обод турмуш йилида Ободон қишлоғини янада обод қилиш биз тиббиёт ходимларининг ҳам фуқаролик бурчимиздир. Пунктимизда замонавий, тиббий асбоб-анжомлар етарли, шинам ва озода хоналар қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Ҳамқишлоғи Михайдин Халилов Исмоилжон Ҳакимовни болалигидан яхши билишини, камтар, хушмуомала, касбининг фидойиси эканлигини, мукофот ҳақиқий эгасини топганлигини фахрланиб сўзлайди.

Дарҳақиқат, тиббий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда “Ободон” қишлоқ врачлик пунктида қувонарли ютуқларга эришилган. Даволаш муассасаси физиотерапия, тахлилхона, эмлаш, ДОТС хоналарига эга. Кундузги стационар, ички дорихона ишлаб турибди. Физиотерапия хонасида кўшимча антибиотиклар билан даволаш йўлга қўйилган. Исмоилжон Ҳакимов касб малакасини ошириш мақсадида шу йили Андижон Дав-

лат тиббиёт институтида бир ой ўқув курсида таҳсил олди ва тиббиётнинг муҳим янгиликларини шогирдлари, қолаверса жамоа аҳлига татбиқ этиб келмоқда.

Унга олий тоифали умум-амалиёт шифокори Раҳбарой Назарова, физиотерапия ва стериллаш ҳамширалари Дилдора Турсунова, Малоҳат Зоҳидова, таҳлил мутахассиси Гулшаной Абдуллаевалар яқин кўмақдош. “Жийда қишлоқ”, “Хўжақўрғон”, “Ободон” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларига бириктирилган патронаж ҳамширалари Зулфия Мўминова, Турғуной Боялиева, Райҳона Маликовалар аҳоли орасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оилада тиббий саводхонликни шакллантириш бўйича тарғибот-ташвиқот жараёнини ташкил этишмоқда. Шунингдек, миллий эмлаш ва муолажа бўйича ҳам-

ширалар Махфират Жабборова, Гулсиной Мажидова, Манзура Тиллаҳўжаева, Холида Нуриддинова, доя Мукаррам Раҳимбоева, хўжалик бекаси Гулбаҳор Солиқориева, менежер Моҳина Акмалова, ҳатто боғбон Абдували Бойматов ҳам Исмоилжон Ҳакимов билан ёнма-ён туриб, аҳолига беминнат хизмат кўрсатишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

– Мен Косонсой тиббиёт коллежини тамомлаб келгач, қишлоғимда иш бошладим. Устозимиз Исмоилжон ака билан бир неча йилдирки, бирга меҳнат қиляпман. Улардан жуда кўп нарсани, энг муҳими, самимийлик, камтарликни ўргандим. Мукофот билан тақдирланганларидан жуда ҳам хурсанд бўлдим, – дейди олий тоифали бош ҳамшира Матлуба Мирзажонова.

И. Ҳакимов 2006 йилда Президентимиз Фармони билан “Шухрат” медалига сазовор бўлганди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида эса бир гуруҳ тиббиёт ходимлари қаторида унга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони берилди. Мукофот моҳир шифокорни янги ютуқларга илҳомлантирмоқда.

Рустамали МАМАДАЛИЕВ,
Наманган вилояти.

Соғлом турмуш тарзи

Хоразм вилояти

ОЛИЙ МАҚСАД – ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ

Кейинги йилларда инсонлар саломатлигини муҳофазалашда соғлом турмуш тарзига катта эътибор қаратилиб, республика тиббиёт тизимида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тиббиёт ходимларининг аҳоли орасида олиб бораётган тарғибот ишлари асосий муҳим аҳамиятга эга бўлиб, халқимизнинг тиббиётга ишончи, шунингдек, саломатлигига бўлган эътибори ошиб бормоқда. Шу ўринда айтишим муҳимки, **Ўзбекистон Республикаси**

публикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида «**Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин**» шiori остида ўтказилаётган тадбирлар аҳоли саломатлигини сақлашдек эзгу ишларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу борада Хоразм вилоятида ҳам ушбу ҳафталикнинг уюшқоқлик ва фаоллик руҳида ўтказилаётган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Жорий йилнинг август ойида ўтказилган ушбу ҳафталик доирасида вилоятнинг энг чекка қишлоқлари аҳолиси қамраб олинди. **Хазорасп тумани марказидан анча олисдаги Саримой ва Тупроққалъа қишлоқларида** ташкил этилган бундай тиббий кўрик аҳолини ниҳоятда мамнун этди.

– Келиним Сайёраҳон ҳомиладор эди. У тажрибали шифокорлар назоратидан ўтгач, ўзи ҳамда ҳомиласи саломатлиги яхши эканлигини эшитиб хурсанд бўлди. **Озгина хавотирланганимиз, келиним илк ҳомиладорлик даврида шамоллаб, ўз вақтида малакали тиббиёт ходимлари тавсиялари асосида даво муолажаларини олган эди. Шу боис, Сайёраҳон ва бўлажак набирамда шамоллашдан ҳеч қандай асорат қолмаганидан кўнглимиз янада таскин топди, – дейди саримойлик Ханифа опа.**

– Гуруҳимиз таркибига терапевт, кардиолог, акушер-гинеколог, педиатр, ЛОР, хирург, уролог, ревматолог, невропатолог, УЗИ шифокори, офтальмолог каби мутахассислар жалб қилинди. Тиббий кўрикка асосан ногиронлар, қариялар, кам таъминланган оила аъзолари ҳам кенг қамраб олинди, – **дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Кудрат Жуманиёзов.**

– Тажрибали тиббиёт ходимларидан вилоят бош хирург Фарҳод Ёқубов, бош педиатр Ойбек Қорабоев, «Она ва бола» скрининг маркази директори Гулнора Сапарбоева, вилоят ОИТСга қарши кураш маркази поликлиника мудир Фулом Ҳалимовлар кўрик давомида 455 нафар аҳолини тиббий текширувдан ўтказдилар ва айрим фуқароларда аниқланган касалликлар бўйича керакли тавсия ва маслаҳатларни бериб, даволанишга муҳтож бўлганларга вилоятдаги шифохоналарга йўлланма беришди, – **дейди КВП мудир И. Жуманазаров.**

Жондан азиз болаларимиз ҳар доим шифокорлар назоратида. Саломатлик посбонлари уларнинг ҳар то-

монлама соғлом, бақувват бўлиб вояга етишларига ҳисса қўишни шараф, деб биладилар. Ҳафталик давомида мингга яқин болажон сафида меҳрибонлик ва болалар уйлари тарбияланувчиларининг тиббий кўриқдан ўтказилгани ҳам бунинг исботидир.

Шунингдек, Гурлан тумани «Шоликор» қишлоғи «Янгиобод» қишлоқ врачлик пунктида ҳам мазкур ҳафталик уюшқоқлик билан олиб борилди. Жумладан, 214 нафар фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, шулардан 18 нафарини болалар, 20 нафарини ҳомиладорлар, 12 нафарини эса ногиронлар ташкил этди. Кўриқдан ўтганларнинг 202 нафарига амбулатор, 12 нафарига стационар шароитда даволаниш тавсия қилинди.

Айниқса, Шовот туманидаги Ибн Сино номли КВПда ўтказилган тадбирда 306 нафар фуқаронинг саломатлиги тажрибали мутахассислар томонидан текширилганда, аҳоли орасида касаллик кўрсаткичлари юқори эмаслиги, халқимизнинг соғлигига бўлган эътибори кучли эканлигидан далолатдир.

– Истиқлол туфайли аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифат ва самардорлиги яхшиланганидан мамнунмиз, – **дейди Фароғат Давлетова.** – Қишлоғимиздаги врачлик пункти ҳам зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Мутахассислар барчаси ўз касбига содиқ инсонлар. Тез-тез хонадонларимизга ташриф буюриб, биз билан суҳбатлашадилар, ўз маслаҳатларини бериб борадилар. Бугун вилоят марказидан етук мутахассисларнинг ташрифини эл саломатлигини муҳофаза қилишга бўлган эътибор, ғамхўрлик намунаси, деб биламиз. Ўз касбининг фидойиларига қўлингиз дард кўрмасин, деймиз. Мен офтальмолог қабулида бўлдим. Кўзимни операция қилишни тавсия этишди. Истиқлол туфайли Урганчда Республика ихтисослашган офтальмология маркази филиали ташкил қилинганидан, бу ерда кўплаб юртдошларимиз шифо топаётганидан хабардорман. Мени кўриқдан ўтказган

Б. Бекчановнинг айтишича, яқинда филиалга лазер аппарати келтирилибди. Бу эса янги имконият дегани. Мен бу имкониятдан албатта фойдаланаман.

Кўшкўпир туманидаги «Уйғур» КВПда 310 нафар қишлоқ фуқароси шифокорлар қабулида бўлди. Ёлғиз қария ва ногиронлар ўз уйларида кўриқдан ўтказилди.

– Овқат ҳазм қилишим бироз қийинлашганди, Урганч ёки туман марказига боришга фурсат тополмаётгандим. Шифокорларга минг раҳмат, бизни астойдил текширишди, тегишли маслаҳатларини аяшмади, саволларимизга тўлақонли жавоб беришди, – **дейди Ҳаётхон Ражабова.** – Менга жигар ёғли гепатоли ташҳисини кўйишди ва қандай муолажа олишим кераклигини тушунтиришди.

Янгиариқ туманидаги Чикирчи қишлоғи аҳолиси ҳам тиббий кўрикка жалб қилинди. Кўриқдан ўтган 332 фуқарога тегишли тавсиялар берилди.

– Етмиш икки ёшдаман. Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор қаратилди, – **дейди Ботир ота Саидов.** – Бизнинг «Оқ мачит» КВПда ҳам етук мутахассислар ишлашади. Урганчдаги ихтисослашган тиббиёт марказларида эса истаган касалликка даво топиш мумкин. Бундай шароитлар учун Президентимизга хоразмликлар номидан миннатдорлик билдираман.

Барча тадбирлар қатори баркамол авлодни соғлом вояга етказиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1073-сонли буйруғи асосида 3-25 сентябрь кунлари спорт билан шуғулланувчи болалар ҳам чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Ушбу тадбирларни амалга оширишда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Хоразм вилояти филиали ходимлари ҳам фаол иштирок этиб, соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтирган ҳолда аҳоли саломатлигини сақлашда ўз меҳнатларини аямай келмоқдалар.

Тиббиёт ходимлари фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, беморларга шифо улашиш баробарида соғлом турмуш тарзи тарғиботида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Бунда эса спортнинг ўрни алоҳида. Буни дилдан ҳис этган шифокорлар халқимизни спорт билан шуғулланишга даъват қилиб қолмасдан, ўзлари ҳам мунтазам шуғулланган ҳолда намуна бўлмоқдалар. **Шифокорлар орасида спорт мусобақаларини ўтказиш анианага айланмоқда.**

Яқинда Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси фармойишига асосан, Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида вилоятдаги даволаш-профилактика муассасалари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари шифокорлари иштирокида хайрия марафони ва спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу хайрия марафони вилоят руҳий касалликлар диспансерида даволанаётган беморларга қулайлик яратиш ва кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда эзгу мақсадга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Тадбирдан тушган маблағ вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси фармойишида таъкидланганидек, аниқ мақсадларга, жумладан беморларнинг сифатли овқатланиши ҳамда ошхона шароитларини яхшилашга сарфланади.

Иштирокчилар спортнинг югуриш, арқон тортиш ва футбол турлари бўйича ўзаро мусобақалашдилар. Муросасиз беллашувларда, яъни арқон тортиш бўйича вилоят онкология диспансери ва кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази жамоалари голибликни қўлга киритдилар. Саккизта жамоа ўртасида кечган футбол баҳсларида эса биринчи ўрин вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига, иккинчи ўрин Шовот туман тиббиёт бирлашмасига, учинчи ўрин вилоят онкология диспансери ва Республика шошилинч тез тиббий ёрдам имлий маркази вилоят филиали жамоасига насиб қилди.

Спорт мусобақалари Янгиариқ ва Хива туман стадионларида ҳам давом этди. Янгиариқда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, ДСЭНМ, ТТА Урганч филиали ва бошқа тиббиёт муассасалари вакиллари футбол баҳсларида иштирок этган бўлсалар, Хивада туман тиббиёт бирлашмалари жамоалари миллионлар ўйинида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Хайрия тадбирларига қорақалпоғистонлик тиббиёт ходимлари ҳам ташриф буюришди. Меҳмон ва мезбон шифокорлар ўртасида ташкил қилинган футбол мусобақаси муросасиз кечди. Хоразм жамоаси ўз устунлигини намойиш қилди.

Кўшн Назар НАЗАРОВ,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Хоразм вилояти филиали директори.
Гуландом ЙЎЛДОШЕВА,
бўлим бошлиғи.

Қишлоқ врачлик пунктлари ҳаётидан

Андижон вилояти

ФАОЛИЯТНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИ

Андижон вилоятида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган чоратадбирлар натижасида касалликларни эрта аниқлаш, самарали даволаш ишларининг кўлами йилдан-йилга ошмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони асосида вилоятда 341 қишлоқ врачлик пункти ишга туширилиб, «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида қарий 4 миллиард сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

– Тўрт мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктими тизимнинг чекка, чегара ҳудудида жойлашган, – дейди Марҳамат туманидаги «Бобур» қишлоқ врачлик пункти мудир Шухратбек Ҳайдаров. – Муассаса ўтган йили ЭКГ, лаборатория ва бошқа за-

монавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Янги лабораториянинг ишга туширилиши касалликни эрта аниқлаш ва тўғри ташҳис қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, беморларнинг биокимёвий қон таҳлили учун туман марказига бориб келишларига ҳожат қолмади. Қишлоқ аҳолиси учун патронаж хизматини яхшилаш мақсадида «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида вилоятдаги барча қишлоқ врачлик пунктлари кўшимча тарзда зарурий жиҳозлар, шунингдек, 1120 дон патронаж сумкалари билан таъминланди. Бундан ташқари, КВПларини тўлиқ дори-дармонлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Манзилли дастур асосида ви-

лоятдаги барча КВПлари жорий ва капитал таъмирланмоқда, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Валихон Ҳакимов. – 2010-2012 йилларда 72 КВП жорий ва тўла таъмирдан чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 14 КВПда 168 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. КВПлари инфратузилмасини яхшилаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Пахтаобод, Хўжаобод ва Жалақудуқ туманларидаги 8 КВПда ичимлик суви таъминоти яхшилаш бўйича 47 миллион сўмлик кичик лойиҳалар амалга оширилиб, Хонободдаги «Фозилмон» қишлоқ врачлик пунктига узлуксиз электр энергияси етказиб берувчи қуёш батареяси ўрнатилди. Қишлоқ врачлик пунктларида фаолият олиб бораётган шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини ошириш борасида ҳам тегишли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан,

вилоятда 2 та умумий амалиёт шифокорларини қайта тайёрлаш маркази, шунингдек, барча туман ва шаҳарлар тиббиёт бирлашмалари қошида ўқув хоналари ташкил этилган. 2004-2012 йиллар давомида 565 нафар врач 10 ойлик курсларда қайта умумий амалиёт шифокорлигига тайёрланди, 4500 нафар ўрта тиббиёт ходими семинарлар доирасида ўқиб, ўз малакаларини оширди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом этмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктларида барча йўналишлардаги ишларни намунали йўлга қўйиш, шу орқали «Намунали КВП»ларини ташкил этиш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Айни кунларда вилоятда 80 та «Намунали КВП» ташкил этилди. Вилоятдаги қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базаси тубдан яхшиланганидан аҳоли мамнун.

Ўза.

Благодарность
Спасибо за заботу
и участие

Мне очень хочется на страницах газеты рассказать о замечательном враче хирурге А. Хамраеве. Он сделал блестящую операцию моему внуку. Никто не брался за такую, он же проделал ее великолепно. Благодаря ему наш внук теперь здоров. Вся наша семья от всего сердца благодарит доктора и желает ему счастья в жизни. Побольше бы таких специалистов вокруг.

З. МИРЗААХМЕДОВА.

Моя дочь инвалид II группы. В течение 11 лет мы с разными вопросами обращаемся к врачам Е. Павловой, В. Царевой и в клинику НИИЭМИЗ к инфекционисту Ж. Туйчиеву. Они своими знаниями, консультациями и практическим опытом очень помогли нам. Сейчас наша дочь чувствует себя лучше. Пусть такие врачи служат примером всем врачам.

Н. УСМАНОВА,

г. Ташкент.

Мутахассис маслаҳати

ДОРИ-ДАРМОНЛАР ИСТЕЪМОЛИ:

бунда нималарга аҳамият бериш зарур?

Инсон организмга нисбатан хавф туғилганда, шифокорлар унга ташхис қўйиб, зарурий дори-дармон воситаларини тавсия қилишади. Препаратлар тўғри қабул қилингандагина организмга ижобий таъсир кўрсатиб, бемор ўнiglана бошлайди. Стационар ва уй шароитида даволаниш учун дори воситаларини қабул қилишнинг амалиётда синалган самарали усуллари мавжуд бўлиб, бу аслида кўпчиликлма маълум. Шундай бўлса-да, муштарийларни бу масаланинг илмий-назарий жиҳатларига эътибор қаратишларини истаб, Тошкент тиббиёт академияси "Факультет ва госпиталь терапия" кафедраси катта ўқитувчиси, олий тоифали шифокор Шоира Қодировадан дори воситаларини истеъмол қилишнинг тартиб-қоидаларини шарҳлаб беришларини сўрадик.

— Шоира Абдурахмонова, ички касалликлар яширин равишда кишини безовта қилади. Шифокор беморда кечадиган симптомларга қараб, унга ташхис қўйган, даволаниш жараёни бошланади. Бунда нималар муҳим?

— Фармакология — тиббиёт соҳасидаги жуда катта йўналиш ҳисобланади. Янги дори моддаларини кашф қилиш, синовдан ўтказиш, таъсирини ўрганиш ва ижобий самара келтирганда, уни амалиётга кенг татбиқ этиш ушбу фан бўйича изланиш олиб бораётган олимларни мудом қизиқтириб келади. Буюк алломаларимиздан бири Абу Райҳон Беруний инсоннинг ичига тушадиган ҳар бир нарса — озиқ-овқатми, ичимликми, зарарли моддаларми — дори ана шулар ўртасида туради, деб жуда тўғри таъкидлаган.

Ички касалликлар бўйича ташхис қўйилганда, аввало, оддий препаратнинг тавсия қилиниши бежиз эмас, эҳтимол, энгил шакл беморга ижобий таъсир кўрсатар. Натижа кутилганидек бўлмаса, мураккаброқ дори хиллари билан муолажа давом эттирилади. Дори моддаларининг сўрилиш тезлиги, кучи ва таъсир муддати уларнинг организмга қайси усулда юборилганига боғлиқдир. Дориларни танлашда беморнинг умумий аҳоли билан биргаликда дори воситаларидаги физик-химий хоссалар, таъсир этиш муддати ҳисобга олиниши зарур. Тиббиётда препаратлар икки усулда юборилади. **Энтерал усулда** муолажа воситалари тил ости, оғиз, ўн икки бармоқ ичак билан ошқозон-ичак йўлига юборилади. Тил ости орқали истеъмол қилиш илмий тилда **сублингвал йўл** дейилиб, у фақат катталар учун қўлланилади. Бу ҳолатда дори моддалари деярли парчаланмайди, жигарда ўзгариш рўй бермайди, қўйилган жойида қонга тез сўрилиб, умумий таъсир кўрсатади. Чунки тил остида минглаб қон томирлари бор. Оғиз орқали тўғри ичакка таблетка ва суюқ препаратларни ичиш кенг тарқалган бўлиб, қулай, осон ва табиийдир. Ичиладиган дори қўланса бўлмаслиги, шиллиқ қаватларни таъсирлашмаслиги керак. Уларнинг сўрилиш тезлиги қабул қилинган дорининг турига, шаклига, овқатдан олдин ёки кейин истеъмол қилинишига боғлиқ. Эритмалар, кукун дори (порошок)ларга нисбатан тезроқ сўрилади. Дори оч қоринга ичилганда, овқатдан кейин қабул қилинган дориларга қараганда тезроқ сўрилади ва кучлироқ таъсир этади. Аммо ҳар қандай ҳолатда препаратнинг ўзига хос хусусият-

лари ва организмнинг умумий ҳолатини ҳисобга олиш зарур. Препаратнинг барча хусусиятлари баён этилган маълумотнома билан танишиб чиққан ҳолда иш тутиш асосий қоидалардан бири. Масалан, ошқозон-ичак трактининг шиллиқ қаватини таъсирловчи аспирин, кальций хлор воситаларини овқатдан кейин ичган маъкул. Организмнинг шифо бахш этувчи препаратларга нисбатан таъсири унинг ўзига хос хусусиятларида ҳам сезилади. Моддаларга организмнинг сезувчанлиги ёшга қараб ўзгаришчанлик касб этади. Болалар катталарга қараганда сезувчанроқ бўлиб, бу унинг ёшига оид анатомик-физиологик жиҳатларида кўриниши мумкин. Чунки уларнинг марказий асаб тизими яхши ривожланмаган, гематоэнцефалик тўсиқ ўтказувчанлиги ортқ даражада бўлиб, жигарнинг дори моддаларини зарарсизлантирадиган ферментлари фаоллиги кам, буйрак фаолияти тўла-тўқис ривожланмаган. Шу боис ҳам фарзандларимизга дори кам дозада тавсия қилинади. Айрим дори-дармонлар болага маълум ёшгача умуман қўлланилмайди. Масалан, тетрациклин боланинг тиши чиқишига ва суюқлари ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Тажрибада катта ёшлилар, кўпинча 60 ёшдан ошганлар ҳам сезувчан эканлиги кузатилган. Улар организмда дориларнинг сўрилиши ва пешоб, ахлат орқали чиқиб кетиши секинлашади, шу боис, катта ёшли беморларга марказий асаб системаси фаолиятини сусайттирувчи, сийдик ҳайдовчи, юрак гликозидлари миқдорини камайтирувчи препарат буюрилади.

Дори-дармонларнинг таъсири жинсга ва вазнга ҳам боғлиқ. Ҳайз кўриш, ҳомиладорлик, эмизикли даврда сезувчанлик ўзгаради, умуман, аёллар эркакларга қараганда таъсирчанроқ эканлиги исботланган. Семиз кишилар озғинларга қараганда дориларни пассив қабул қилади. **Парентрал усулда** дори моддалари ошқозон-ичакдан ташқари йўллар орқали жўнатилади.

Дори-дармонлар — таблетка, капсула, суспензия, эритма — қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, қабул қилиш интервали ва миқдори муҳим аҳамиятга эга. Таъсир этиш хусусияти секин бўлган (пролангирланган) препаратлар суткасига бир-икки дона ичилади. Қай тарзда ичиш керак? **Қайнатилган ва илиқ ҳолга келтирилган сувда ичиш саломатлик учун жуда фойдали.** Дори-дармонлар таркибига қараб, шифокор баъзан зарурий воситани сут ёки кисель билан ичишни ҳам буюради. Совуқ сув ёки чой билан ичил-

ганда, дори-дармонларнинг эриш ва парчаланмиш жараёни пассивлашишини унутмаслик даркор.

Ўн икки бармоқ ичак орқали дори препаратларини юборишда уларнинг юқори концентрацияси ҳосил қилинади. Шу маъсадда дорилар ўн икки бармоқ ичакка зонд орқали юборилади. Одатда бу усулдан жигар касалликларини даволашда фойдаланилади. Масалан, магний сульфат эритмаси ичакка бевосита илитилган ҳолда юборилади. Бу усул баъзан гижжани ҳайдовчи дори буюрилганда ҳам қўлланилади.

Тўғри ичак орқали юборилган доривор воситалар оғиз орқали қабул қилиш мумкин бўлмаган беморларга, хусусан, руҳий касалликка йўлиққан, беҳуш ётган, қизилўнгачи ва ошқозонида ўзгариш бўлган кишиларда қўл келади. Турли ферментлар таъсирида парчаланган дорилар учун бу усул қулайдир. Бу йўл билан сувли эритма ёки аралашмага шиллиқ ҳолда тайёрланган турли хил ўраб олувчи моддалар (крахмал, крахмал елими) қўлланилади, мойли дорилардан клизма қилинади. Тўғри ичакка дори моддалари шам шаклида қўйилган, моддалар тез, яъни 7-10 минут ичида қонга сўрилади, тез ва фаол таъсир кўрсатади.

— **Замонавий тиббиёт билан бир вақтда шифобахш гиёҳлар ёрдамида даволашга асосланган халқ табобатчилиги анъаналари ҳам сақланиб қолган. Савдо шахобчаларида қадоқланган гиёҳ тўплаларини учратамиз. Улар тури ва хусусиятига қараб, бир талай касалликларни даволашда қўлланилмоқда. Ҳўш, доривор гиёҳларни истеъмол қилишда нималарга эътибор қаратиш лозим?**

— Тарихий маълумотларга қараганда, Абу Али ибн Сино 900 хил шифобахш ўсимликдан дори тайёрлаб, беморларни даволашда қўллаган. Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ва экиладиган ўсимликлар сони 4000 тадан ошади, шундан 577 таси шифобахш хусусиятга эгадир. Ўсимликларнинг, асосан, биологик фаол моддалар тўпланадиган қисмидан доривор маҳсулот йиғиб олинади. Бундай моддалар ўсимликнинг турли қисмларида учрайди, баъзи қисмларида кўп, баъзиларида эса камроқ ёки бутунлай бўлмаслиги ҳам мумкин. Биологик фаол моддалар ўсимлик қисмларида бир вақтнинг ўзиде тўпланмайди, шунинг учун уларни йиғиб олиш даври ҳам ҳар хил.

Ўсимлик моддаларидан дамламалар (юмшоқ қисмларидан), қайнатмалар (қаттиқ қисмларидан) дорихонада ва уй шароитида тайёрланади. Дори ишлаб чиқарувчи корхоналарда ўсимликлардан настойкалар, суюқ ва қуюқ экстрактлар тайёрланади.

Халқ табобатчилигида доривор ўсимликлардан тайёрланган дамлама ва қайнатмалар касалликнинг тури ва хусусиятига қараб, бир неча гуруҳга бўлинади. Чунончи, марказий асаб системасини тинчлантирувчи, юрак қон-томирларига таъсир этувчи, сийдик ҳайдовчи ва шишларга қарши таъсир



кўрсатувчи, яллиғланиш жараёнини бартараф этувчи, меъда-ичак фаолиятини яхшиловчи, балғам кўчирувчи, қон келишини тўхтатувчи шифобахш ўсимликлар шифокор томонидан беморга қўшимча восита сифатида тавсия қилинади.

Дамлама ва қайнатмани тайёрлашда унинг миқдори, вақтига эътибор қаратиш лозим. Доривор ўсимлик маҳсулотининг ўзига хос хусусиятлари инobatга олиниб, қайноқ сув билан дамлама тайёрланиши мумкин. Уй шароитида қайноқ сув билан дамлама тайёрлаш учун доривор масаллиқ сувга нисбатан 1:10 ёки 1:20 ҳисобида олинади, яъни бир ҳажм ёки оғирлик бирлигида олинган доривор маҳсулотга 10 ёки 20 ҳажм бирлигида сув олиш керак бўлади.

Сув билан доривор маҳсулот яхшилаб аралаштирилган, унинг усти қопқоқ билан беркитилиб, бироз ҳажми кенгроқ идиш (кастрюлка, тоғорача ёки қозонча)га солиб, қайнаб турган сув устига ўрнаштирилади. Бунда дамламани идиш оғиб кетиши ёки тўнтарилишига имкон бермаслик керак. "Сув ҳаммоми" вазифасини ўтаётган кастрюлкадан дамламани идиш олиниб, уй ҳароратида камида бир соат тиндириб қўйилади.

Доривор қайнатма аксарият ўсимликларнинг дағал қисмларидан, яъни илдири, пўстлоғи, туганак ва гуддаларидан тайёрланади. Унинг тайёрланиши дамламага жуда ўхшаш. Фарқи шундаки, қайнатма сувнинг ўзиде қайнатилади. 20-30 дақиқа паст оловда қайнаган ўсимлик масаллиғи 10-15 дақиқа давомида совутилади.

Шифобахш ўсимликлардан тайёрланган қайнатма ва дамламалар безарар. Уларни истеъмол қилишнинг тартиб-қоидалари қадоқланган пакетида ҳам кўрсатилган, қолаверса, бу ҳақда даволловчи-шифокор билан маслаҳатлашиб иш тутган афзал.

— **Суюқ ва бўғим касалликлари учун тавсия қилинадиган дори-дармонлар тури жуда кўп. Мутахассисларнинг бу борада фикри қандай?**

— Травматология ва ортопед-

Ортопедик касалликларда бўғим юзасини тикловчи, таркибида хондроитин сульфат бўлган дори-дармонларни ичиш тавсия этилади. Чунки бўғим юзасини яхшилаб, ундаги ҳаракат ҳажмини тиклаш ҳисобидан танадаги микроциркуляция фаоллашади, шу хилдаги микроэлементларнинг ҳаракатланиши яхшиланади. Албатта, шифокорлар беморга даво бўладиган дори воситаларини тайинлашда юқоридаги тартиб-қоидаларни эслатиб туришлари керак.

Хулқар КУЗМЕТОВА суҳбатлашди.

Устозга эҳтиром

ЭЛСЕВАР ФИДОЙИ ИНСОН

Тарихий расмий маълумотларга кўра, Сурхондарё вилояти қўшни Афғонистон, Туркменистон давлатлари билан чегарадошдир. Тупроғи серҳосил, унумдор, серкўёш воҳа. Вилоятнинг маркази Термиз шаҳри эса буюк Амударё қирғоғида жойлашган бўлиб, юртимизнинг ташқи мустақкам истеҳкоми, муҳофаза қалъасидир. Бу ерда фақат элсевар, меҳнаткаш, мард ва жасур, фидойи инсонлар яшашади.

Энг муҳими, Сурхондарё афсонавий Алпомишлар, Барчинойлар, шунингдек, ноёб истеъодли фольклоршунослар, халқ оғзаки ижоди, миллий сайил, кўпқари, томоша ўйинларининг бетакрор ижодкорлари ва ижорчилари униб-ўсган кутлуф гўшади. Шунинг учун ҳам табиатан очиққўнғил ва санъатсевар бу макон одамларининг таърифлари нуфузли халқаро ташкилотлар эътиборига тушгани, номлари тилларда ва дилларда дoston бўлганлиги бежиз эмас.

Шундай инсонлардан бири ҳарбий шифокорларнинг ғурури ва ифтихори, Қуроли Кучлар фахрийси, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, соғлиқни сақлаш аълочиси, ҳамкасбимиз Темур Жумаевдир. У 1933 йили Шеробод туманида туғилиб, бошланғич ўрта маълумотни олгач, дастлаб мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик Самарқанд Давлат тиббиёт институти талабаси бўлди. 1959-85 йилларда Қуроли Кучлар сафида ҳарбий шифокор сифатида астойдил хизмат қилиб, эл назарига тушди. Те-



мур ака бу давр мобайнида ўз бурчи ва касбига содиқ эканлигини амалда исботлади, минглаб ҳарбий беморлар дардига малҳам бўлди. Ватанимиз чегараларининг дахл-сизлигини сақлаш ва мустақамлашга, ёшларни ҳарбий-

ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшди, оммавий ахборот воситаларида соғлом турмуш тарзига оид кўплаб илмий-тиббий, оммабop мақолалар эълон қилди, истеъодли шоғирдлар етиштирди.

Айни пайтда муборак саксон ёшга кириб, кексалик гаштини сураётган Темур бо-бо ҳамон куч-ғайрат, ижодий ташаббусга тўла. Ўз сўзларимга яқун ясар эканман, куйидаги шеърий мисраларни устозимга бахшида этаман.

**Термизлик бир оғам бор,
Олам кезган, қуролдош.
Шерободлик бўлади,
Турсуноғга ёстикдош.
Елкаси кенг, ягриндор,
Мушти келар ботмондек.
Узун оёқ-қўллари,
Ростаками кетмондек.**

**Жўралари кўп жуда,
Уларни излаб юрар.
Мумтоз кўшиқлар айтиб,
Асраб, "сиз-сиз"лаб юрар.
Етсин мурод-мақсадга
Валломат бу оғамиз!
Гурунг бериб улфатга
Алпкомат бу тоғамиз!
Искандар РАҲМОН.**

Ибрат

Мамлакатимиздаги шифо масканларида тажрибали, малакали ва юксак касбий маҳоратни эгаллаган тиббиёт ходимлари меҳнат қилиб келадилар. Оилавий поликлиниками, ихтисослаштирилган шифохонами, хусусий клиниками, албатта, оқ халатни эг-

нига илиб, қабулига кирган беморларни жон қулоғи билан тинглайдиган, зарурий маслаҳатларини берадиган бундай шифокорлар Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли тиббиёт муассасаларида ҳам кўплаб топилади.

БИР-БИРИГА МУНОСИБ

Жумладан, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида сидқидилдан меҳнат қилиб келадиган шифокор Дилшод Абдуллаевни ҳам шундай шифокорлар сирасига киритишимиз мумкин.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида таваллуд топган бу йигит болалигиданоқ шифокорлик касбига меҳр қўйиб ўсди. 1985 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ҳужжат топширди. Талабалик йилларида у даволаш жараёнининг бутун сир-асрорларини пухта эгаллади, институтни муваффақиятли тамомлаб, ҳозир меҳнат қилаётган шифо масканида ўз фаолиятини бошлади. Албатта, ёш шифокор стационар шароитда беморга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича бил-

маганларини тажрибали ҳамкасбларидан ўрганди. Ҳар бир касб эгаси сингари шифокор ҳам маҳорат ва малакани йиллар мобайнида эгаллайди. Бугунги кунда Дилшод Абдуллаевни сўраб келувчиларнинг кети узилмайди. Чунки унинг кўлида шифо топган инсонлар ўз таниш-билишларига бу врачнинг таъриф-тавсифини келтирадилар.

Шифокор беморни синчиклаб текширади, дардини қандай йўл билан даволаш юзасидан хулоса чиқаради. Зарурат туғилса, жарроҳлик амалиёти ўтказиш керак, деб ҳисоблайди. Орадан кўп вақт ўтмай, Дилшод Абдуллаев даволаётган бемор ҳолатида ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлайди.

Дарвоқе, рафиқаси Сайёра Жалолова ҳам у билан бир сафда меҳнат қилиб келмоқда.

Ушбу марказнинг маълумот ва ташхис қўйиш марказида терапевт сифатида ишлаётган Сайёра ҳақида кўпчилик ҳамкасблари илиқ фикр билдиришади. Сабабики, у ўз ишига виждонан ёндашади, кези келса, ўзи истиқомат қиладиган маҳалла аҳли ёрдам сўраб келса, дарҳол кўмак беришга шошилади.

Ҳа, шифокорлар оиласида ҳаммиша осойишталик ва ўзгалар ҳавас билан қарайдиган тотувлик ҳукмрон. Бу жуфтлик 5 нафар фарзандни дунёга келтириб, вояга етказмоқда. Ўзларидаги инсонийлик фазилатларни фарзандлари феъл-атворида ҳам сингдира олган шифокорлар эндиликда дилбандлари тақдирдан кўнглилари тўқ. Бундай ибратли оилалар сони кўп бўлишини истайсан, киши.

ЎЗ ПОСТИДА ҲАМИША СЕРГАК

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ўз касбининг яхши биладиган, доимо изланадиган ва билганларини тиббиёт соҳасига татбиқ қиладиган фидойи шифокорлар хизмат қилишади.

Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли даволаш муассасаларида ҳам эл саломатлигини сақлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиладиган тиббиёт ходимлари жуда кўп. Вилоят марказига узок бўлмаган ҳудуд – 61-сонли Ургут тумани тиббий меҳнат экспертиза кўриги райси Зафар Маҳмадмуродов ана шундай ўз касбининг фидойиларидан биридир.

У 1993 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлагач, илк иш фаолиятини Самарқанд шаҳридаги 1-кли-

ник шифохонада бошлади. Кейинчалик ёш мутахассис тиббиёт институтининг 2-клиникасида ўз тажрибаси, билим ва малакасини бойитди. Етуқ мутахассис Ургут тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлимида ҳам қанчадан-қанча беморларга нажот бахш этди. Ўзининг камтарлиги ва хушмуомалалиги билан жамоа орасида хурматга сазовор бўлди. Айни пайтда кўли енгил шифокор Ургут тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 61-сон ТМЭК раиси сифатида ўз меҳнат фаолиятини давом эттириб келмоқда.

– Ҳар қайси меҳнат жамоаси-

да тартиб-интизом, ишга нисбатан масъулият сақланса, ўша жойнинг камчилиги эмас, ютуқлари эътироф этилади, – дейди Зафар Маҳмадмуродов. – Аввало, беморлар дардини синчиклаб ўрганиш ва шифокор томонидан берилган тавсияга мувофиқ хулоса чиқаришда адолат мезонларига таянишимиз керак. Шундагина тиббиёт ходимлари хизмати намунали эканлиги қайд қилинади.

Зафар Маҳмадмуродов ўзининг астойдил ва ҳалол меҳнати билан ҳамкасбларига ўрнатилган бўлаётган экан, эл соғлигини юрт бойлиги деб билаётган бундай шифокорлар билан фахрланамиз.

**Узоқ ОМОНОВ,
Самарқанд вилояти.**

Научные изыскания

ЭФФЕКТИВНОСТЬ
ЛЕЧЕНИЯ
ОСЛОЖНЕННЫХ
ОФТАЛЬМОМИКОЗОВ

Актуальность. Заболеваемость микозами определяется различными факторами, включая экологические и социальные, индивидуальные особенности организма, такие, как пол и возраст, состояние сосудистой, иммунной и эндокринной систем, в частности, наличие иммунодефицита и сахарного диабета, широкое применение антибиотиков, кортикостероидных препаратов, цитостатиков.

Микротические поражения глаза во многих случаях не являются чисто местной патологией. Отдельные микозы глаза выступают "маркерами" разных заболеваний и состояний, сопровождающихся развитием иммунопатологии. Врачи офтальмологи, в основном, мало знакомы с клиникой и диагностикой микозов глаз, что обуславливает их позднюю и часто неправильную диагностику.

Цель. Оценить и исследовать клиническую эффективность глазных капель флуконазол в лечении грибковых заболеваний придаточного аппарата глаз, осложненных бактериальной инфекцией.

Материалы и методы. Клинические исследования проведены на кафедре офтальмологии Ташкентского института усовершенствования врачей и Республиканской клинической офтальмологической больницы при МЗ РУЗ. Под наблюдением находились 24 больных (41 глаз) в возрасте от 17 до 63 лет: с грибковым блефаритом – 8 (13 глаз), конъюнктивитом – 15 (27 глаз), каналикулитом – 1 (1 глаз). Из них 9 (37,5%) мужчины и 15 (62,5%) женщины. В качестве базового препарата в терапии применяли глазные капли Флузамед (флуконазол 0,3% раствор). Глазные капли закапывали по 2 капли 4-5 раз в день в зависимости от тяжести заболевания.

Результаты. После назначения препарата Флузамед через несколько дней наблюдалось клиническое улучшение. Дальнейшие клинические наблюдения подтвердили высокую терапевтическую эффективность препарата.

Всем больным до и после лечения проводилось бактериологическое исследование мазка и посева с конъюнктивы и роговицы.

Выводы. Проведенное исследование подтвердило высокую терапевтическую эффективность Флузамеда в лечении грибковых поражений глаз при блефарите, конъюнктивите, каналикулите.

Общая результативность применения Флузамеда составила: выздоровление – у 91,7% пациентов, улучшение – у 8,3% пациентов.

**Х. КАМИЛОВ, Ш. АБДУЛЛАЕВ, Д. БАБАХАНОВА,
Ташкентский институт
усовершенствования врачей.**

Уроки здоровья

ПРОФИЛАКТИКА ЗАБОЛЕВАНИЯ –
ОСНОВА БЛАГОПОЛУЧИЯ ОБЩЕСТВА

Характерной особенностью Национальной модели здравоохранения Узбекистана являются приоритет профилактической медицины и внедрение здорового образа жизни, воспитание физически и нравственно здорового образа жизни, гармонично развитого поколения, охрана материнства и детства, а также формирование у населения ответственности за свое здоровье.



На достижение таких приоритетов и работает Институт здоровья и медицинской статистики, созданный в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от

2 октября 2007 года за № ПП-700 «О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений Республики Узбекистан».

Поэтому перед Институтом здоровья и медстатистики поставлены основные задачи – координация исследований и практическое внедрение профилактической медицины, обеспечение активной пропаганды здорового образа жизни и рационального питания, гигиеническое и правовое воспитание в области охраны здоровья, проведение социологических исследований, мониторинг и прогноз состояния здоровья населения, разработка и внедрение эффективных методов формирования здорового образа жизни.

Филиал института дислоцируется в центре города, что способствует удобству сбора информации и тесного контакта с другими службами, ведомствами и министерствами. Институт состоит из следующих отделов: здоровый образ жизни (ЗОЖ), средства массовой информации (СМИ), социальный мониторинг, организационный отдел, аналитический, статистика, «Здоровье-3», санитарный мониторинг, библиотека.

Филиал оснащен современной оргтехникой: компьютерами, принтерами, множительной



техникой и видеопроектором. Сама библиотека располагает медицинской литературой, плакатами, буклетами, видеofilmami и видеороликами.

Им обслуживается население города Ташкента по 11 районам, с общим количеством 2247,1 тысяча человек, 476 махаллей, где проживают более 603 тысяч семей. 31 вуз, где обучаются более 117 тысяч студентов, 24 академичес-

ких лиц с количеством 10,5 тысяч учащихся, 85 колледжей – 109,7 тысяч учащихся, 320 общеобразовательных школ – 380 тысяч учеников и 524 детских дошкольных учреждений с количеством более 88 тысяч детей до 6 лет. Сотрудники филиала проводят пропаганду здорового образа жизни, предотвращая распространение опасных инфекционных заболеваний.

Человек и его дело

ВЕРНЫ СВОЕМУ ДОЛГУ

Многим ташкентцам и гостям столицы знаком парк культуры и отдыха им. Гафура Гуляма, расположенный в Чиланзарском районе города Ташкента, где можно прекрасно отдохнуть, искупаться, покататься на лодке, поехать и дать детям раздолья.

Правда, случаются и непредвиденные ситуации, когда кто-нибудь из отдыхающих неудачно соскочил с карусели, споткнулся или поцарапался, вылезая из воды или лодки на берег, или же закружилась голова, и вот тут приходят на помощь сотрудники ме-

дицинского пункта, расположенного на территории парка, – это медсестры Эльфа Умерова, Рано Юлдашева и Арофат Туляганова.

– К счастью, – говорит медсестра с 40-летним стажем Эльфа Умерова, – такое происходит не так часто. В ос-

новном обращаются с жалобами люди среднего и старшего возраста. Это давление, температура, царапины. Тяжелых случаев нет.

Работа у нас по графику и до тех пор, пока не уйдет последний посетитель парка. Только после этого заканчивается наш рабочий день. Мы любим свою работу и радуемся, что смогли вовремя оказать первую медицинскую помощь. Значит, наш труд не напрасен.



Материалы подготовил А. ПОПОВ.
НА СНИМКЕ: Эльфа Умерова с пациентом.
Фото автора.

Советы специалиста

КЛИНИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ЛЕКАРСТВЕННОЙ АЛЛЕРГИИ

Проявления лекарственной аллергии характеризуются большим полиморфизмом. Наиболее часто отмечаются кожные аллергии на введение медикаментозных средств. Наблюдаются различного рода экзантемы, аллергический дерматит, крапивница, ангиоотек, изолированный или в сочетании с аллергическим поражением полости рта, органов дыхания, брюшной полости.

Системные аллергические реакции чаще всего развиваются у лиц с высоким уровнем предшествующей сенсибилизации к лекарственным препаратам. Возникновению системных аллергических реакций способствуют семейное предрасположение к аллергической патологии, в том числе к лекарственной аллергии, наличие предшествующих аллергических реакций и заболеваний. Анафилактический шок – наиболее тяжелое системное проявление лекарственной аллергии. Чаще всего его развитие связано с введением антибиотиков, местных анестетиков. Случаи анафилактического шока возможны при

любом способе введения лекарственных соединений, но чаще они регистрируются при парентеральном введении лекарственных препаратов у лиц с воспалительными заболеваниями вирусного и бактериального происхождения, имевших ранее те или иные аллергические проявления. Лекарственный анафилактический шок характеризуется спазмами мышц тонкого кишечника (с возникновением рвоты, поноса) и бронхов (в виде удушья, со снижением артериального давления и развитием сосудистого коллапса), нарушением коронарного и мозгового кровообращения, отеком гортани, легких и мозга. Одна из систем-

ных аллергических реакций на лекарственные препараты – сывороточная болезнь. Возникновение сывороточной болезни может отмечаться после введения противостолбнячной, противодифтерийной, противоботулинической, антирабической сывороток, иммуноглобулинов, столбнячного анатоксина. Сравнительно реже причинами ее бывают переливание крови и плазмы крови, введение инсулина, адренкортикотропного гормона, антибиотиков, сульфаниламидов.

При крапивнице и ангиоотеке в аллергический процесс может вовлекаться слизистая оболочка желудочно-кишечного тракта с появлением болей в животе, тошноты, рвоты. При этом у некоторых больных развивается клиническая картина, напоминающая "острый живот". В случаях распространения ангиоотека в области лица, волосяной части головы в аллерги-

ческий процесс могут вовлекаться мозговые оболочки, мозг, внутреннее ухо. Возможно развитие менингеального синдрома, судорог, иногда синдрома Меньера.

К редким проявлениям лекарственной аллергии относятся эозинофильный легочный инфильтрат (синдром Леффлера) и аллергический альвеолит. Аллергический альвеолит может развиваться при применении метотрексата, производных нитрофурана, стрептомицина, препаратов гипофиза. Сравнительно реже лекарственная аллергия является причиной возникновения многоформной экссудативной эритемы, узловой эритемы, синдрома Лайелла и синдрома Стивенсона-Джонсона; при последнем в аллергический процесс вовлекается слизистая оболочка.

Для предупреждения развития случаев аллергических реакций на лекарственные сред-

ства профилактические мероприятия осуществляются в двух направлениях: первичная профилактика лекарственной аллергии ставит целью предупредить развитие лекарственной аллергии на основе исключения полипрагмазии, неприменения пенициллина у больных с грибковыми заболеваниями, отказа от применения антибиотиков с профилактической целью, обязательным изучением анамнеза при назначении любой фармакотерапии, замены высокоаллергенных препаратов на более безопасный. Вторичная профилактика направлена на предупреждение лекарственной аллергии у лиц, страдающих аллергическими заболеваниями.

Г. ГАЙПОВА,
НИИ эпидемиологии,
микробиологии и
инфекционных
заболеваний МЗ РУз.

Спорт

ИНДИВИДУАЛЬНЫЙ ПОДХОД И ТЕРПЕНИЕ

Свою тренерскую работу в ДЮСШ-40 Севара Ахмедова, кандидат в мастера спорта по художественной гимнастике, студентка 4 курса Узбекского государственного института физической культуры, начала год назад, взяв себе младшую группу.



— Сначала было непривычно, — говорит Севара Ахмедова, — все-таки сама еще студентка, но потом, присмотревшись и изучив возможности малышей, поняла — бояться не надо, все у девочек выйдет, они трудолюбивы, гибки и пластичны. Взяв хотя бы пятилетнюю Эзозу Тахирзоду, которая тренируется у меня около года. У нее правильная осанка, чувствует ритм, постепенно появились техника исполнения упражнений и отличная координация движений. Девочка очень старательная, чтобы я ни сказала, всё выполняет и у неё хорошо получается. Такие же и ее подружки по тренировке — Ира Стручкова, Шохсанам Иматуллаева.

Постоянно вспоминаю слова моего тренера Татьяны Петровны Роговой, которая в принципе определила мой путь — это быть строгой, но справедливой, к каждому ребёнку находить индивидуальный подход, я помню ее на-



ставления и придерживаюсь их. Сколько девочки будут в спорте, конечно, неизвестно, но навыки, полученные на тренировках, сделают их более

стройными и пластичными. По моему, это важнее. А пока идут тренировки.

А. ПОПОВ.
Фото автора.

Бугуннинг мавзуси

ФОЙДАСИДАН КЎРА ЗАРАРИ КЎПМИ?

Сизни компьютер мавзуси қизиқтирадими? Компьютер олдида кўп вақт ўтказиб бўлсангиз, албатта унинг соғлиққа таъсирини билиб қўйсангиз, фойдадан ҳоли бўлмас.

Демак, биз компьютердан узоқ муддат фойдаланган инсонга унинг таъсири, зарари ни камайтириш йўллари ҳамда саломатликни сақлаш учун нималарга эътибор қаратишимиз лозимлиги тўғрисида маълумот бермоқчимиз.

Компьютердан фойдаланувчи инсонлар саломатлигига таъсир этувчи зарарли омиллар:

- узоқ муддат ўтириб ишлаш жараёни;
- монитордаги электромагнит нурланишлар таъсири;
- кўрув органларига тушадиган юклар, яъни кўз толиқиши;
- кўл-кафт бўғимларига тушадиган юклар;
- ахборотлар йўқолиб қолиш пайтидаги стресс ҳолатлар.

Компьютерда узоқ муддат ўтириб ишлаш, яъни камҳаракатлилик — гиподинамия дейилади. Эътибор берсангиз, компьютер олдида ўтирган инсонда бўйин, бош, кўл ва елка мушаклари таранг ҳолда бўлиши оқибатида умуртқа поғонасига ҳам ортиқча юклар тушади. Баъзида умуртқа поғонаси чарчаши туфайли болалар стол устига ётган ҳолда ундан фойдаланадилар. Бунинг оқибатида катталарда остеохондроз, болаларда эса сколиоз касаллиги пайдо бўлади.

Шунингдек, кўп ўтириш давомида стул билан тана ўртасида ўзига хос "иссиқ компресс" ҳаёти юзага келиб, у ўз навбатида простата безлари яллиғланиши, простатит, геморрой касалликларини юзага келтиради. Кам-



ҳаракатлик ўз навбатида моддалар алмашинуви бузилиши ҳамда "семириш" касаллигига ҳам замин яратади.

Электромагнит нурланишлар

Компьютер ва бошқа электр асбоблари ўзидан электромагнит нурларини тарқатувчи манба ҳисобланади. Улардан чиқаётган электростатик нурлар ҳамда майда чанг зарралари терининг очиқ жойларига тушиши оқибатида турли хилдаги аллергия касалликлар келиб чиқади. Ҳатто, сочлар тўкилиши, тери қуриши ҳам кузатилади.

Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун куйидагиларга аҳамият беринг: компьютер бор хоналарда вентиляция тизими яхши йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқдир. Хонани тез-тез шамоллатиб туринг. 1 та монитор учун майдон сатҳи 9-10 м² бўлиши лозим. Хонанинг намлик ҳолатини яхшилаш мақсадида махсус ҳавони намловчи мосламалардан фойдаланинг. Хонани тез-тез ҳўл доқа билан артиб туринг.

Кўриш органларига таъсири

Компьютер билан ишлаш давомида кўзимиз доимий равишда экранда бўлади. Монитор ёруғлик манбаи бўлиб қолмай, балки мунтазам равишдаги жимирлаш ҳолатлари кўзни таъсирлантиради.

Кўздаги қаттиқ оғриқлар, кўз ёшланиши, қорачиқ ва қовоқлар кизариши, пешона соҳасидаги оғриқлар, тез чарчаш ҳолатлари "дисплей" касаллиги деб аталади.

Кўз чарчаб қолмаслиги учун куйидаги талабларга риоя қилинг:

- монитор билан кўз оралиғидаги масофа 45 см.дан кам бўлмаслиги;
- ёруғлик монитор экранига тушиб, ярқираб, кўришга ҳалақит бермаслиги;
- экран сатҳини тез-тез артиб туриш;
- кўзга дам бериш учун 10-15 дақиқалик танафус қилиш.

Бу машқлар кўз учун жуда муҳим:

- 10 сония кўзларингизни юмиб туриш;
- 5-10 сония кўзни очиб-ёпиш машқлари;
- кўз соққаларни айлантириш машқлари;
- ойнадан узоқ ва яқинга (ойнага қозғоғ ёпиштиришингиз) қараш машқлари кўзингиз дам олишига имкон яратади.

Демак, ушбу таъсирлардан йироқ бўлиш ҳамда соғлигимизни асраш учун компьютер ёнида меъёр даражасида фаолият олиб борганимиз мақсадга мувофиқдир.

Азизбек НИЗАМОВ,
Республика саломатлик ва
тиббий статистика институти
Тошкент шаҳар филиали
мутахассиси.

Ижтимоий ҳимоя

ОЛДИНИ ОЛГАН
МАЪҚУЛ

Тиббий меҳнат экспертиза комиссиямиз ходимлари аҳоли ўртасида ногиронликни белгилаш ишларини амалга ошириб келишмоқда. Бунда биз Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида иш олиб бормоқдамиз.

Халқимизда касалликни даволагандан кўра, олдини олган маъқул деган гап бор. Бемор ва ногиронларнинг даволаш ишларини яхшилаш, диспансер назоратини талаб даражасида йўлга қўйиш ва умуман аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга катта эътибор қаратмоқдамиз.

Дарвоқе, саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, ногиронликни камайтириш борасидаги ишларимиз самарадорлиги ортмоқда. Комиссия томонидан ногиронлар орасида реабилитация ишлари амалга оширилди.

Ходимларимиз томонидан туманда касалланиш ва ногиронлик аҳволини доимий ва чуқур таҳлил қилган ҳолда даволаш-профилактика муассасалари билан биргаликда олиб борилаётган ишлар сифати яхшиланаяпти. Касалликлар ва ногиронликнинг олдини олиш ва реабилитация самарадорлигини ошириш мақсадида илмий-амалий анжуманлар ва давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда.

Бойсари ИСМАТОВ,
Қашқадарё вилояти
Дехқонобод туманлараро
33-сонли ТМЭК раиси.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги П. Ф. Боровский номли тиббиёт коллежи директори Лутфи Юлдашевна Юсуповага волидаи муҳтарамаси

ҚУТПИ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6027 нусха.
Буюртма Г-945.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти — 20.00.

